

Махмонов Уктам Аширович,

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти “Умумтехник фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи

Алиқулова Севара Мухиддиновна,

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти, ўқув-услубий бўлим ходими, мустақил тадқиқотчи

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ АСОСИДА ЎҚИТИШДА МАЪРУЗА ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

УДК: 372.862

МАХМОНОВ У.А., АЛИҚУЛОВА С.М. КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ АСОСИДА ЎҚИТИШДА МАЪРУЗА ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ушбу мақолада олий таълим тизимида фанларни кредит-модуль тизими асосида ўқитиша маъруза дарсларининг аҳамияти, ўзига хос хусусиятлари, ташкил этиш методлари ва маъруза-чига қўйиладиган талаблар ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўз ва тушунчалар: маъруза, маъруза турлари, маъruzachi, кириш маърузаси, мавзу бўйича маъруза, якуний маъруза, мини-маъруза, очиқ маъруза, ахборот-таҳлилий маъруза, илмий маъруза.

МАХМОНОВ У.А., АЛИҚУЛОВА С.М. ОРГАНИЗАЦИЯ ЛЕКЦИОННЫХ ЗАНЯТИЙ ПРИ ОБУЧЕНИИ ПО КРЕДИТНО-МОДУЛЬНОЙ СИСТЕМЕ

В данной статье речь пойдет о значении и об особенностях лекционных занятий, методах организации и требованиях к докладчику в системе высшего образования при преподавании предметов по кредитно-модульной системе.

Ключевые слова и понятия: лекция, виды лекций, докладчик, вводная лекция, лекция по теме, заключительная лекция, мини-лекция, открытая лекция, информационно-аналитическая лекция, научная лекция.

МАХМОНОВ У.А., АЛИҚУЛОВА С.М. ORGANIZATION OF LECTURES DURING TRAINING ON THE CREDIT-MODULAR SYSTEM

This article will focus on the meaning and features of lecture classes, methods of organization and requirements for a speaker in the higher education system when teaching subjects under the credit-modular system.

Key words and concepts: lecture, types of lectures, speaker, introductory lecture, lecture on the topic, final lecture, mini-lecture, open lecture, informational and analytical lecture, scientific lecture.

Кириш.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида олий таълим тизимида тайёрланаётган кадрларнинг сифати муҳим аҳамиятга эга. Сифатли кадрлар тайёрлаш, яъни етук билимга, етарлича қўникма ва малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш олий таълим муассасада йўлга қўйилган ўқитишнинг сифат даражасига боғлиқдир.

Мамлакатимизда 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” асосида кўплаб ишлар амалга оширилди. Ушбу стратегиянинг 4.4-банди “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” деб номланган бўлиб, унда қуидагилар белгилаб берилган эди:

- узлуксиз таълим тизимини янада такомилаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

- таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмиrlаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асборблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни қўриш;

- таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий етиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш ва бошқалар.

Мамлакатимизда ёшларни билимли ва малакали, жаҳон тараққиётiga мос рақобатбардош мутахассислар қилиб тайёрлаш мақсадида олий таълим тизими изчил ривожлантирилмоқда. Олий таълим соҳасидаги ислоҳотлар, аввало, олий таълим сифатини яхшилаш, унинг қамровини ошириш, институт ва университетларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, профессор-ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда. Ушбу белгиланган вазифаларни амалга ошириш натижасида мамлакатдаги олий таълим муассасалари сони 130 тага етди, жумладан давлат олий таълим муассасалари – 96 та, нодавлат олий таълим муассасалари – 9 та, хорижий ОТМлар ва уларнинг филиаллари – 25 тани ташкил этмоқда.

Олий таълимнинг қамров даражасини 2030 йилгача 50% га ошириш режалаштирилган.

Олий таълим тизимида амалга ошириладиган ўқув машғулотлари ва дарс берувчи профессор-ўқитувчиларга ҳам замон талаблари ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб ўзига хос талаблар қўйилмоқда.

Мақоланинг мақсади. Ушбу мақолада кредит-модуль тизими асосида ўқитишда фанлардан маъруза дарсларини ташкил этиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Маъруза дарсларининг аҳамияти ва уларни ташкил этиш методикаси, дарсларга қўйиладиган талаблар, маърузачи учун қўйиладиган талаблар турли адабиётлар ва илмий мақолаларда ёритиб берилган. Жумладан, Д.Тожибоева, А.Йўлдошев томонидан 2009 йилда чоп этилган “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” номли дарслиқда иқтисодий фанларни ўқитишда маъруза дарсларининг аҳамияти, унга қўйиладиган талаблар ёритиб берилган. Муаллифлар О.Д.Рахимов, М.Сапаев, Б.Ф. Назаровлар томонидан чоп этилган “Олий таълимда замонавий маърузалар”¹ номли услубий қўлланмада замонавий маърузаларнинг таълим тизими-даги ўрни, фанлар бўйича маъруза турлари ва маърузаларни ташкил этиш технологиялари таҳлили, талабалар томонидан маъруза маълумотларини қабул қилиш ва ўзлаштириш даражаси, маъруза машғулотларининг инновацион технологиялар ва таълим технологиялари, муаммоли маърузаларни ташкил этиш йўллари ва усуллари баён этилган.

Муаллиф В.Г.Махсудовнинг “Замонавий таълим тизимида фанлар бўйича маъруза турлари ҳамда уларни ташкил этиш технологиялари”² номли мақоласида маъруза, маърузанинг хусусиятлари, маърузаларнинг турлари, маърузаларни ўtkазишига қўйиладиган вазифалар ҳақида фикр юритилади.

¹ О.Д.Рахимов, М.Сапаев, Назаров Б.Ф. Олий таълимда замонавий маърузалар. Услубий қўлланма. - Қарши, 2012. - 68 б.

² В.Г.Махсудов. Замонавий таълим тизимида фанлар бўйича маъруза турлари ҳамда уларни ташкил этиш технологиялари. // “Замонавий таълим” илмий-амалий оммабод журнали. 2017 йил, 2-сон. 54-59 бетлар.

Асосий натижалар.

Маълумки, олий таълим тизимида аудиторияларда ўтиладиган дарс машғулотлари қўйидаги кўринишларда олиб борилади: маъруза, амалий машғулот, семинар, лаборатория машғулоти.

Маъруза (лекция) — ўқув материали, бирор масала, илмий, сиёсий мавзуларнинг изчил, тартибли оғзаки баёни. Ўқув маърузаси ўқув жараёнининг асосий шакли; олий ўқув юртларида дарс бериш усулларидан бири. Маъруза, шунингдек, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимида, умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфларида ҳам қўлланилади.

"Замонавий таълим" илмий-амалий оммабоп журналида Ўзбекистон Миллий университети катта илмий ходим-изланувчиси В.Г.Махсудов томонидан чоп этилган "Замонавий таълим тизимида фанлар бўйича маъруза турлари ҳамда уларни ташкил этиш технологиялари" номли илмий мақолада "маъруза" ҳақида қўйидагилар баён этилган:

Маъруза, нутқ, тақдимот (презентация) – аниқ мавзу бўйича маълумотни тақдим этишнинг умумқабул қилинган усули ҳисобланади. Маърузада тизимий равишда, маълум кетмакетлик асосида назарий характердаги материаллар ўқитувчи (маърузачи) томонидан тингловчилар эътиборига етказилади. Кўпгина кўрсаткичлар бўйича "Маълумотни узатиш, етказиш" энг қийин услубилардан бири ҳисобланади. Маълумотлар ва ахборотларни маъруза шаклида узатиш олий таълим тизимида ўқитиш услубларидан бири бўлиб, тингловчиларнинг билим даражалари, малакаси, таянч маълумотлари ва ёшига, айрим ҳолларда жинсига ҳам боғлиқ жараён ҳисобланади¹.

Маъруза (ўқув маърузаси) - олий ўқув юрти педагогик жараёнинда энг кўп қўлланиладиган шакли бўлиб, унда таълим олувчиларга максимал даражада янги илмий ахборотлар бериш, ўқув материалини талабалар онгига етказиш назарда тутилади. Маърузаларда талаба учун зарур бўлган касбий, илмий-назарий маълумотлар баён этилади².

¹ Махсудов В.Г. Замонавий таълим тизимида фанлар бўйича маъруза турлари ҳамда уларни ташкил этиш технологиилари. // "Замонавий таълим" илмий-оммабоп журнали. 2017 йил, 2-сон. 54-59 бетлар.

² Ҳасанова Г.Қ., Жалилов З.Б. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Дарслик. Бухоро: ООО «Садриддин Салим Бухорий» Дурдона нашриёти, 2021. -260 6.

Маърузаларни дидактик вазифаси, унирежкалашибидаги устун турувчи функцияларни амалга ошириш мазмуни ва ташкил этилиш шаклига кўра турларга ажратиш мумкин (1-расм).

Юқорида келтирилган маъруза турларида олий таълим тизимида энг кўп қўлланиладигани мавзу бўйича маъруза ва очиқ маъруза бўлиб, баъзида илмий маъруза, кириш маърузаси, мини-маърузалардан ҳам фойдаланилади. Қўйида ана шу маърузалар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтамиш:

Кириш маърузаси. Бундай маърузанинг вазифаси талабаларга фан тўғрисида умумий йўналиш бериш, уларда қизиқиш уйғотиши, қўйилган саволлар бўйича мустақил фикрлаш ва жавоблар излашга йўналтиришдан иборат. Бундай маърузада ташкилий-йўналтирувчи ва мотивацион функциялар устун туради.

Мавзу бўйича маъруза. Маърузада аниқ бир муаммо ёки мавзу бўйича маълумотлар намойиш этилиб, таҳлил қилинади, хулоса чиқарилиб исботланади. Маърузани режалаштиришда ахборот бериш, ташкилий-йўналтирувчи ва методологик функцияларга кўпроқ эътибор қаратиш талаб этилади.

Мини-маърузалар – "кичик", жуда қисқа ҳажмдаги маърузалар бўлиб, унда мавзу бўйича аниқ, таянч саволлар ва ибораларнинг қисқа мазмуни ёритилади. Бундай маърузалар кўпинча амалий фаолиятни, илмий тадқиқотларни бошлашдан олдин ўtkазилади.

Очиқ маърузалар – муайян фан бўйича ўқув дастуридаги мавзуни талабалар, шунингдек, шу мавзуга қизиқиш билдирган ва маҳсус таклиф этилган профессор-ўқитувчилар, олим ва мутахassislar аудиториясида маъруза шаклида ўтказиладиган дарслар очиқ маърузалар деб аталади. Очиқ маърузаларни ўтказишдан мақсад профессор-ўқитувчиларни тегишли фан, техника ва технологиялари соҳалари бўйича жаҳонда эришилган ютуқ ва янгиликлар билан хабардор бўлишларига эришиш ва улар асосида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологииларидан самарали фойдаланган ҳолда маърузаларни тайёрлаш, ўтказиш ва шу тариқа таълим сифатини ошириш ҳамда тайёр-

1-расм. Маъруза турлари¹.

ланадиган кадрлар рақобатбардошлигини таъминлашдан иборатдир².

Маъруза дарси талабалар билан мулоқотда бўлишнинг алоҳида шакли ва уни бошқа њеч қандай ўқув шакли билан алмаштириб бўлмайди. Маърузанинг олдига қўйиладиган мақсад ҳар хил бўлиб, бу мақсад максимал даражада амалга ошиши учун, унинг функцияларига аҳамият бериш керак. Маъруза дарси ўқитишнинг қўйидаги қатор функцияларини бажаради³:

1. Назарий билим бериш ва илмий дунёқарашни шакллантириш.

2. Талабалар дикқатини асосий мақсадга йўналтириш, яъни талабаларнинг дикқат-эътиборини ўқув материалининг асосий мазмуни ва уни ўзлаштириш методларига қаратиш.

3. Идрок, тафаккурни ривожлантириш ва тасаввурни ошириш.

4. Билимларни таҳлил қилиш, ўрганаётган фан бўйича ахборот олиш, олган ахбороти асо-

сида таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш, умумлаштиришга ўргатиш.

5. Методологик - маъруза жараёнида тадқиқот методлари таққосланади, қиёсланади, илмий изланиш тамойиллари аниқланади.

6. Талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатиш, яъни уларда ватанпарварлик тўйғусини кучайтириш, уларнинг ахлоқий ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиши, меҳнатга муносабат ва масъулиятни шакллантириш, инсоний хислатларини шакллантириш.

Маъруза қандай фандан ўқилишидан қатъий назар, илмий характерга эга бўлиши, турли назарий йўналишлар, фан соҳасидаги илмий ғояларни талабалар онгига етказиши ва уларда олган билимини амалиётда фойдалана олишига ишонч ҳосил қила олиши керак. Ҳар қандай маърузанинг энг зарур шарти маърузачининг аудитория билан жонли мулоқотга кириши ва тингловчилар дикқатини жалб эта олишидир. Маъруза дарсида аудиториядаги мұхитнинг қандай тарзда шаклланиши маърузачининг билими, нутқ маданияти, ўзини тутиши, унинг ораторлиги ва креативлиги кабиларга боғлик.

Кредит-модуль тизимида энг катта эътибор талабанинг мустақил таълим олишига, унинг ўз устида мустақил ишлашига қаратилган. Демак, фанларни ўқитиш жараёнида ўтиладиган маъ-

¹ Схема мақола муаллифлари томонидан ишлаб чиқилди.

² Рахимов О.Д., Сапаев М., Назаров Б.Ф. Олий таълимда замонавий маърузалар. Услубий қўлланма. – Қарши: 2012. - 68 б.

³ Ушбу функциялар рўйхати муаллифлар томонидан тузилган.

руза, амалий ва лаборатория машғулотлари мазмунини ҳам талабанинг мустақил таълим олишини ва унинг мустақил ишлашини эътиборга олган ҳолда ташкил этиш лозим бўлади.

Олий ўқув юртларининг бакалавриат таълим йўналишларига ўқитиладиган фанлардан маъруза машғулотларини ташкил этишда қўйидагиларга эътибор қаратишни **тавсия эта-
миз:**

1. Маърузанинг мақсадини белгилаб олиш.
2. Маъруза режасини ишлаб чиқиш ва ташкил этишни тўғри режалаштириш.

3. Маърузада бериладиган маълумотлар кетма-кетлиги ва узвий боғлиқлигини таъминлаш.

4. Маъруза мазмуни ва мақсадидан келиб чиқиб, кўргазмали воситалар (макетлар ва моделлар, қисқа метражли фильмлар, аннимациялар, аудиоёзувлар, ...)ни тўғри танлаш ва намойиш этиш.

5. Маъруза учун тайёрланган слайдларда ва кўргазмали воситаларда тингловчини чалғитувчи расмлар, сўзлар, белгилар ва шу кабиларнинг бўлмаслигини таъминлаш.

6. Тингловчиларнинг диққатини янада жалб этиш учун таълим технологиялари (блиц-сўров, қисқа тестлар, кластер, муаммоли вазият, ...)ни тўғри танлаш.

7. Маърузада маълумотларни содда ва тушунарли тарзда, ҳаётӣ мисоллар ёрдамида тушунтиришга эътибор қаратиш;

8. Маъруза давомида нутқ маданияти ва ўзини тутишга алоҳида эътибор қаратиш.

9. Тингловчилар томонидан берилган саволларга ўз вақтида ва тўғри жавоб бериш, саволларни эътиборсиз қолдирмаслик.

10. Маърузани хulosалаш ва якунлаш.

Маъруза дарси – бу талабаларда фанга оид тасаввурларни, назарий билимлар ва тушунчаларни, кўнишка ва малакаларни ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Маъруза машғулотини ташкил этишда қўйиладиган талабларни икки гурухга ажратиш мумкин¹:

1. Маъруза матнини тайёрлашга қўйиладиган талаблар.

2. Маъруза ўқийдиган ўқитувчи ва унинг шахсига қўйиладиган талаблар.

Биринчи гурух, маъруза матнiga қўйиладиган талаблар қўйидагилардан иборат:

1. Ўқитувчи маърузанинг деталлаштирилган режаси, бошқача айтганда, технологик харитасини тузиши зарур. У аниқ ва лўнда ифодаланган бутун маъруза мазмунини қамраб олувчи масалаларни ўз ичига олиши зарур.

2. Баён қилиниши кўзда тутилган масалалар мантиқий изчилликда ёритилиши ҳамда улар қисқача хulosалар билан якунланиши керак.

3. Маъруза матни кириш, асосий ва якуний қисм, яъни хulosса қисмларидан иборат бўлади.

4. Маърузанинг мазмуни очиб бериладиган асосий қисмида қўйидаги жиҳатларга эътибор берилиши лозим:

- a) маърузанинг ғоявий назарий жиҳатлари:

- маърузада Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасида қабул қилинган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ҳамда атоқли давлат арбоблари асарларидан цитаталар келтирилиши;

- мавзунинг асосий тушунчаларини ўқув дастурига мос равишида очиб берилиши;

- маъруза матнининг илмийлиги, яъни талабаларга бериладиган билимларнинг илмий жиҳатдан асосланилганлиги;

- амалдаги ҳалқаро ва миллий стандартларнинг мавзуларда акс эттирилганлиги;

- маъруза матнида муаммоли вазиятларни юзага келтирувчи масалаларнинг берилиши, талабаларни илмий ва мантиқий фикрлашга ундаши;

- маъруза матнарида миллий мустақиллик, Миллий ғурур, Ватанга муҳаббат, ҳалқа садоқат каби бунёдкорлик ғояларини акс этиши;

- назарияни амалиёт билан боғлиқлиги;

- ўрганилаётган мавзунинг фан ва техника, саноат, ҳалқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги ҳозирги ўрнининг белгиланиши ва бошқалар.

- b) маърузанинг методик жиҳатлари:

- маърузанинг мантиқийлиги ва исбот талаб қилмаслиги;

- материални юқори савияда, кетма-кет ва мазмундор тарзда берилиши;

- ўқувчи-талабаларни идрок қилишларини фаоллаштириш усуслари;

- таълим-тарбиявий хусусиятга эга эканлиги.

Маърузанинг мазмун-моҳиятини талабаларга тез ва самарали етказиб бериш мақсадида

¹ Тожибоева Д., Йўлдошев А. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Дарслик. - Т.: «Алоқачи», 2009. - 568 б.

маърузачи турли ёрдамчи воситалардан фойдаланиши мумкин. Жумладан, аудио- ва видеодарслар, мавзуга оид қисқа метражли фильmlар, Интернет тармоғи маълумотлари, модель ва макетлар, кўргазмали қуроллар, амалий кўргазмали тажрибалар. Бунинг учун эса замонавий АКТ воситалари, яъни компьютер қурилмаси, видеопроектор, SMART доска, планшет, аудио воситалари ёрдамидан фойдаланишлари лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида маърузачидан замонавий АКТ воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини талаб этади.

Маъруза ўқитувчи ва унинг шахсига қўйиладиган талаблар ҳақида гапирганда маъруза ўқиш жараён сифатида объектив ва субъектив томонларнинг бирлиги сифатида қаралишини эътиборга олиш лозим. Маъруза ўқишнинг объектив томонига ўқитувчига боғлиқ бўлмаган, ўрганилаётган фаннинг мазмуни, дарс ўтиш тамоиллари киради. Субъектив томонларига эса:

- а) ўқитувчининг шу фанни қандай эгаллагани, билим даражаси;
- б) ўқитувчининг услубий тайёргарлиги, методиканинг қонун-қоидаларини қўллай билиш маҳорати;
- д) ҳар бир ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнида у ёки бу услугни қўллашдаги индивидуал хусусиятлари киради.

Дарс беришда педагог субъектив омил сифатида намоён бўлади. Кўп жиҳатдан талabalарнинг ўзлаштириши ўқитувчининг дарс ўтишда танлаган методларига боғлиқ. Ҳар бир ўқитувчи ўз қобилиятини дарс беришда намоён қилиб, маъруза ва нутқида ўзига хос жиҳатларини кўрсатади. Маълум бир мавзуни ёритишида ўқитувчи ўзи яхши билган ёки ўзининг илмий изланишлари билан боғлиқ бўлган, лекин шу мавзуга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган саволга кўп вақт ажратиб, қолган саволларни кўриб чиқиш учун вақт етмай қолиши мумкин. Бу - мавзуни баён қилишда дидактика-нинг изчиллик принципларини бузилишига олиб келади. Шунинг учун дарс ўтишдаги муҳим вазифалардан бири, бу - субъектив омиллар, албатта, объектив омилларга бўйсуниши, айнан шу фаннинг мазмунини очиб беришга хизмат қилиш керак¹.

¹ Тожибоева Д., Йўлдошев А. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Дарслик. - Т.: «Алоқачи», 2009. - 568 б.

Шунингдек ўқитувчи таълим соҳасида қўлланилаётган янги педагогик технологиялар ва АКТ воситалардан фойдаланишни мукаммал даражада билишлиги, фан соҳасидаги энг сўнги янгиликлардан доимий тарзда хабардор бўлиб боришилиги талаб этилади. Чунки ҳозирги ахборот хуружи авж олган ва ахборот тарқалиши тезлиги ўта юқори бўлган замонда талabalар ахборотлар билан жуда тез танишиб чиқадилар ва ўзлаштириб оладилар. Шу сабабли ўқитувчи доимий тарзда янгиликларни ўрганиб бориши, таҳлил қилиши ва энг керакли, тўғри маълумотларни саралаб олиши лозим бўлади.

Маъруза дарслар On-line тарзда ташкил қилиш ҳам мумкин. On-line тарзда ўқитиш тизимидан коронавирус пандемияси даврида амалда фойдаланилди ва унинг фойдали томонлари ҳамда камчиликлари ҳақида деярли анчагина тасаввурга эга бўлдик.

Хулоса ва таклифлар.

Кредит-модуль тизими асосида ўқитишда фанлардан маъруза машғулотини ташкил этишда ва унинг самарадорлигини оширишда биз қуйидагиларни **тавсия** этмоқчимиз:

- маъруза дарсларини ўқитишда талабага йўналтирилган таълим муҳитини шакллантириш;
- маъруза дарси давомида талабани пассив тингловчидан фаол иштирокчига айлантириш;
- дарс давомида мавзууга мос янги педагогик технологиялардан ва ўқитишнинг интерфаол методларидан фойдаланишга эътибор қаратиш;
- дарс давомида мавзууга оид кўргазмали материаллар (слайдлар, қисқа метражли видеофильмлар, анимациялар, кўргазмали қуроллар) дан самарали фойдаланиш;
- маърузанинг мустақил таълим билан боғлиқлигини таъминлаш, яъни талабанинг ўтилган мавзуни янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида ўз устида ишлашига эришиш ва унишу мақсадга йўналтира олиш;
- маърузачи сифатида кучли билим ва малакага, кўп йиллик тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчilarни жалб этиш.

Энг охирги тавсияни киритишимиизга сабаб айрим ОТМларда тажрибали ва малакали профессор-ўқитувчilarнинг етишмаслиги сабабли маъруза дарсларини ўтиш ёш замонавий таълим / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2022, 4 (113)

ўқитувчиларга юклатилмоқда. Бунга асос бўлувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 20-2018-сон буйруғи асосида қабул қилинган "Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва "устоз-шогирд" ишларини белгилаш қоидалари" олинганд. Ушбу ҳужжатнинг 2-боб 8-пунктида шундай дейилган: "Маъруза машғулотлари илмий унвон ва илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказилади. Зарур ҳолларда (маъруза машғулотлари ҳажми кўп бўлганда ёки профессор, доцент ва катта ўқитувчилар етарли бўлмаганда) олий таълим муассасаси Кенгашининг қарорига асосан камида 3 йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлган, бироқ илмий унвон ва илмий дара-

жаси бўлмаган ўқитувчиларга бир ўқув йилида 250 соатгача ҳажмда маъруза машғулотларини ўтишга рухсат берилади".

Маъруза дарсларининг ўтилиши юклатилган ёш ўқитувчиларда кўпинча тажриба, баъзи ҳолларда билимларнинг етарли эмаслиги сабаб, шунингдек педагогик маҳоратнинг етишмаслиги сабабли ўтилган маъруза дарсларидан талабаларнинг қониқмаслик ҳолатлари кузатилмоқда ва уларнинг эътироzlарига сабаб бўлмоқда.

Умумий хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, олий таълим тизимида маъруза дарсларининг ўқитилиш сифати, самарадорлиги ва дарсларда талабаларнинг фаоллигига эришиш, биринчи навбатда, профессор-ўқитувчиларнинг билими, малакаси ва тажрибасига, унинг педагогик маҳоратига боғлиқ эканлигини инобатга олиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:

1. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 1- илова.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 20-2018-сон буйруғи асосида қабул қилинган "Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва "устоз-шогирд" ишларини белгилаш қоидалари". - Тошкент, 2018 йил.
3. Махсудов В.Г. Замонавий таълим тизимида фанлар бўйича маъруза турлари ҳамда уларни ташкил этиш технологиялари. // "Замонавий таълим" илмий-оммабоп журнали. 2017 йил, 2-сон. 54-59 бетлар.
4. Тожибоева Да., Йўлдошев А. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Дарслик. - Т.:«Алоқачи», 2009. - 568 б.
5. Махмонов У.А. Олий таълимда кредит-модуль тизимининг жорий этилиши ва имкониятлари. // "Замонавий таълим" илмий-амалий оммабоп журнали, №1 (98)-сон, 2021 йил. 4-11 бетлар.
6. Рузметов Я. Олий таълим тизимидағи ислоҳотлар ва янгиликлар. - <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/olii-talim/Oliy-ta-lim-tizimidagi-islohotlar-va-yangiliklar.htm> (манбага 18.02.2022 йилда мурожаат қилинди).
7. Рахимов О.Д., Сапаев М., Назаров Б.Ф. Олий таълимда замонавий маърузалар. Услубий қўлланма. – Қарши: 2012. - 68 б.
8. Ҳасанова Г.Қ., Жалилов З.Б. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Дарслик. Бухоро: ООО «Садриддин Салим Бухорий» Дурдона нашриёти, 2021. -260 б.
9. <https://uz.warbletoncouncil.org/informe-cientifico-9710> (манбага 22.02.2022 йилда мурожаат қилинди).